# ТАДБИРКОР ЗАВОД ҚУРДИ

Когонлик тадбиркор Шавкат Каримов бошлиқ «Файз — қурилиш материаллари» масъулияти чекланган жамият жамоаси Қоровулбозорга элтувчи катта асфальт йўл ёнида гипс ва бетон ишлаб чиқарувчи заводни қурди. Бунда таъсисчиларга «Замин» ипотека банки вилоят бўлими мадад қўлини чўзди. Ишлаб чиқариш ускуналари сотиб олиш учун 12 миллион сўм кредит ажратди.

Ҳозирча янги корхонада бир кеча-кундузда 100 тонна гипс ишлаб чиқарилмоқда. Келгусида эса бу миқдор 250 тоннага етказилади. Чунки арзон маҳсулотга харидор бисёр бўлади. «Файз — Қ.М»да ишловчи 40 киши «Бухороқурилишматериаллари» ҳиссадорлик жамияти билан рақобатда ишлаётганлари туфайли ҳам имкониятлар яққол кўзга ташланяпти.

■ **Даврон БАҲРОНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**




# ВАТАН ТАРОНАЛАРИ

Самарқанд шаҳрида республика Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги ўқув муассасалари ўқувчи ёшларининг «Соғлом авлод» дастури асосида «Ўзбекистон — қўшиқ байрами» шодиёнаси ўтказилди. Байрамда республикамизнинг турли бурчакларидан ташриф буюрган хушовоз болалар Регистон майдонида концерт дастурлари билан чиқиш қилдилар.

Ҳ.Олимжон номидаги вилоят мусиқали ва драма театрида эса «Ўзбекистон — Ватаним маним» кўрик танловининг таълим муассасалари ўқувчи ёшлари ўртасидаги мусобақанинг якуний босқичи бўлди. Унда Каттақўрғон туманидаги 15-ўрта мактабнинг 8-синф ўқувчиси Акмал Рўзиқулов ҳамда Тошкент шаҳридаги «Ором» ўғил болалар хор ва рақс дастаси ғолиб деб топилди.

Иккинчи ўрин Хоразм вилояти халқ таълими бошқармаси қошидаги «Мерос» ва 24-санъат мактаб ўқувчилари фольклор этнографик дастасига, учинчи ўрин эса Қорақалпоғистон Республикаси Шуманай туманидаги 2-сон болалар боғчаси мудираси Равшаной Эшимбетовага берилди.

■ **Лутфулла МАМАСОЛИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

ТАДБИРКОРЛИК ВА ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ

# ИЖТИМОИЙ ФАОЛЛИК ЙЎЛИДА

**Савоб ишни ҳар кун қилиш керак, савоб ишни ҳар ким қилиши керак.**

***Ислом КАРИМОВ***

Кейинги йилларда муҳтарам Президентимиз Ислом Каримов юрт ободлиги йўлида қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотлар, хусусан тадбиркорликни ривожлантириш алоҳида ўрин тутишига жамоатчилик эътиборини қаратмоқда. Шундан келиб чиқиб, вилоятимизда тадбиркорлик ва деҳқон-фермер хўжаликлари ишини янада яхшилашга қаратилган амалий-ҳуқуқий ёрдам дастури ишлаб чиқилди. Унда тадбиркорларнинг муаммоларини жойида ҳал этиш, уларга амалий кўмак бериш учун қилиниши зарур бўлган ҳаётий вазифалар аниқ белгиланган.

Вилоятимизда 661 нафар фермер хўжалиги мавжуд. Уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, ҳуқуқий билим ва малакасини ошириш мақсадида мунтазам очиқ мулоқотлар, кўргазмали семинар ва баҳслар ўтказиб келинмоқда.

Бу йил деҳқон-фермер хўжаликлари 12836 тонна ғалла, 10668 тонна пахта тайёрлашга бел боғлаган. Шунингдек, улар 628 тонна сут, 610 тонна сабзавот, 130 тонна картошка, пилла ва гўшт маҳсулотлари етиштириб, ноз-неъматлар билан аҳоли дастурхонини безашни ният қилишган. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш муассасаси ходимлари эса улар билан изчил ҳамкорликни йўлга қўйишди. Ишбилармонларнинг оғирини енгил қилиш мақсадида бу борадаги ишлар ўрганилганда шу масала ойдинлашдики, ҳокимликлар томонидан фермерлик ва тадбиркорликка оид қонунларга зид равишда қатор қарор ва ҳужжатлар қабул қилинган. Хатоликлар аниқланди ва қонун бузилиш ҳоллари вақтида бартараф этилмоқда.

Бир мисол. «Ўзмевасабзавотузумсаноат» холдинг компанияси вилоят бирлашмаси тизимига қарашли К. Мусаев номли ширкат хўжалиги бошқаруви оила пудратчилари билан ғалла ва пахта бўйича 2000 йил учун шартнома тузган. Шартноманинг «а» бандида «Пудратчи шартномани бажарган тақдирда ортиқча топширган ҳар бир тонна ғалласи учун ўттиз фоиз миқдорида натура ҳолида ғалла берилсин», деб қайд этилган. Хўжалик бошқаруви эса буни ўзбошимчалик билан ўзгартирган.

Ушбу ҳолат юзасидан вилоят прокурори томонидан хўжалик раиси Х. Жўраевга қонун бузилишини зудлик билан бартараф этиш тўғрисида амрнома киритилди ва 26 та оила билан тузилган шартномаларнинг қонуний кучи таъминланди.

«Ғаллабанк»нинг вилоят бўлими деҳқон ва фермер хўжаликларига 2000 йил ғалла ҳосили учун 66 миллион сўм аванс пулларини ўз вақтида бермай, 739 та шартнома шартлари бузилишига йўл қўйган. Банк бошқарувчиси А. Усмонов қонун бузилишига йўл қўймаслик тўғрисида огоҳлантиргач, 121 та шартнома бўйича 37 миллион 584 сўм маблағ аванс тариқасида фермер хўжаликларига берилди.

«Пахтабанк»нинг Кармана бўлими раҳбарларининг лоқайдлиги оқибатида Навоий туманидаги Навоий, Ибн Сино, Қ.Раҳимов номли, «Кармана», «Ўзбекистон», «Зарафшон», «Ҳазора», «Маданият» ширкат хўжаликлари аъзолари 27 миллион 268 минг сўмлик иш ҳақларини (1999 йил декабрь ойидан буён) олишолмаётган эди. Банк бошқарувчиси Ш. Бердиев қонун бузилишига йўл қўймаслик тўғрисида огоҳлантирилгач, хўжаликларга 10 миллион 100 минг сўмлик иш ҳақлари берилди.

Хатирчи пахта тозалаш ҳиссадорлик жамияти Каттақўрғон, Бухоро, Коғон ёғ-экстракция заводлари ҳамда тумандаги 10 та ширкат, 112 та фермер хўжаликлари билан чигит ва уни қайта ишлашдан олинадиган истеъмол ёғи, кунжара, шелуха етказиб бериш ҳақида уч томонлама шартнома тузган, аммо унда қонун талабларига зид йўл тутилган, яъни ёғ-экстракция заводлари манфаатлари устун қўйилган, фермер ва ширкат хўжаликларига берилиши лозим бўлган қайта ишланган маҳсулотларнинг 3 фоизи ўзбошимчалик билан завод фойдасига олиб қолиниши, қайта ишловчига юз фоиз олинадиган маҳсулот қийматини тўлагандан сўнг маҳсулот берилиши ҳақида ноқонуний қўшимча талаблар қўйилган. Ҳиссадорлик жамияти раиси С.Носиров қонун бузилишига йўл қўймаслик тўғрисида огоҳлантирилгач, ушбу шартномалар ўзгартирилди ва қонун доирасига келтирилди.

Бу каби ҳолатлар шуни кўрсатадики, ҳар бир меҳнаткаш ўз ҳақ-ҳуқуқини билиши, уни ҳимоя қила олиши лозим. Ҳаёт талабидан келиб чиқиб, деҳқон-фермерлар ва тадбиркорларнинг ҳуқуқий билимини ошириш мақсадида биз ҳар бир туманда «Тадбиркорлар уйи» ташкил этдик, ҳафтанинг шанба кунларини тадбиркорлар ва деҳқон-фермерлар билан ишлаш куни деб эълон қилдик. Шу куни прокуратура ходимлари тадбиркор ва деҳқон-фермерларга маърифий хизмат кўрсатади. Шу тариқа тадбиркорларимизнинг кўп-кўп муаммолари ўз ечимини топади, десак муболаға бўлмайди. Ҳозир, айниқса, Навоий, Томди, Учқудуқ, Қизилтепа, Навбаҳор туманларида «Тадбиркорлар уйи» жуда дадил иш олиб бормоқда. Вилоятда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, ўрта ва кичик бизнесни ривожлантириш, қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштириш, шу йўналишдаги қонунчилик ҳақида алоҳида ўқув-семинар машғулотлари ўтказиш изчил йўлга қўйилган. Айни пайтда деҳқон-фермер хўжаликлари самарадорлигини ошириш, уларнинг маъданли ўғитларга, уруғлик ва эҳтиёт қисмларга бўлган талаб ва эҳтиёжларини ўз вақтида ортиқча муаммоларсиз ҳал этиш мақсадида жойларда шу маҳсулотлар билан савдо хизмати кўрсатувчи дўконлар очилиб, ишга туширилди.

Тадбиркорлар, деҳқон-фермер хўжаликлари ишини ривожлантириш ва уларга амалий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатишга оид қонунлар ижроси қандай бўлаётганлиги, бу борадаги қонун бузилиш ҳоллари, бошқа муаммолар вилоят прокурори ҳузуридаги тезкор йиғилишда мунтазам муҳокама қилиниб, тегишли чора-тадбирлар белгиланмоқда. Шундан келиб чиқиб қилинаётган амалий ишлар натижаси назорат этилмоқда.

Деҳқон-фермер хўжаликларида етиштирилган маҳсулотларни сотиш борасида ҳам муаммолар мавжуд эди, уларни бартараф этиш мақсадида Навоий шаҳридаги марказий бозорлар, «Саховат» ҳиссадорлик жамияти ҳамда «Ўзсаноатқурилиш» тижорат ҳиссадорлик банкининг вилоят бўлими билан бирга қатор амалий ишлар қилинди. «Саховат» ҳиссадорлик жамияти шу йўналишдаги ишларни янада яхшилаши учун 5 миллион сўм кредит маблағи ажратилди.

Қизилтепа, Навбаҳор туманлари ва Навоий шаҳри бозорларида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотувчи махсус раста ва дўконлар очилди.

Вилоят прокуратурасининг амалий иши натижасида ўтган уч-тўрт ой ичида 18 та фермерга 116,4 гектар ер олиб берилди. 448 миллион 281 минг сўм маблағ тўланишига эришилди. 2 нафар фермер 340 минг сўмлик кредит билан таъминланди. 18 нафар фермер хўжалиги 540,5 тонна — 6 миллион 953 минг сўмлик маъданли ўғит олишида яқиндан ёрдам берилди. Шу билан бирга ҳозиргача 5 та эҳтиёт қисмлар, 5 та омухта ем, 5 та зараркунандаларга қарши кимёвий воситалар, 3 та уруғликлар сотувчи, жами 20 дан ортиқ савдо дўконлари очилди ва улар тадбиркору деҳқон-фермерларга хизмат кўрсатмоқда.

Ҳуқуқни ҳимоя қилиш муассасалари ходимларининг ишбилармонлар ҳаётига бевосита кириб бориши бу соҳадаги ишлар ривожига хизмат қилиб қолмай, ҳуқуқий маданиятнинг ўсишига ҳам ўз таъсирини кўрсатади, деб умид қиламиз.

■ **Неъмат МАНСУРОВ, Навоий вилоят прокуратураси умумий назорат бўлимининг бошлиғи.**

АЧЧИҚ, АММО ОЧИҚ ГАПЛАР

# «ЧОРБОҒЛИ»ГА БОРАЙ ДЕМАНГ...

Бир қарашда бу қишлоқ бошқа тоғ қишлоқларидан фарқ қилмайди: ҳамма қишлоқлардагидай лойсувоқ уйлар, тупроқ йўллар, дов-дарахтлар, баҳаво жойлари, ариқларда жилдираб оқаётган зилол сувлари, бироз соддароқ, аслида меҳнаткаш ва дилкаш одамлари бор.

Аммо, ана шу одамлар билан суҳбатлашсангиз, уларнинг дарду ҳасратларини эшитсангиз бу ердаги раҳбарларнинг бепарволик ва лоқайдлик каби иллатларидан дилингиз ранжийди.

— Асфальт йўлдан бизнинг қишлоққача бўлган 8-9 километр узунликдаги йўл сира сонга кирмади кирмади-да,—дейди қишлоқдаги мактаб ўқитувчиси Хўжакелди Абдиев.— Қишда-ку майли, лекин кўклам ва куз ойларида ёмғир сабаб бу йўлларда енгил машина юролмай қолади. Айтмаган, бормаган жойимиз қолмади. Ҳатто шу йўлни текислаб, жилла қурса тош тўшаб чиқиш учун ҳар хонадон биттадан қўй беришга ҳам, ҳашар уюштиришга ҳам розимиз. Афсуски, ҳеч бир раҳбар ёрдам қўлини чўзайлик, баҳоли қудрат ёрдам берайлик, демайди.

—Ҳашар йўли билан мактаб, дўкон, амбулаторий қурган эдик, — дейди қишлоқнинг яна бир фуқароси Саид Абдуллаев.— Бироқ, дўкон ҳам, амбулаторий ҳам ишламади. Ҳозир қаровсиз қолган бу бинолар молхонадан баттар аҳволда. 8 турдаги зарур маҳсулотлар учун 12-13 километр йўл босиб, хўжалик марказига бориб келишга ёки ундан ҳам узоқлардан бозор қилишга мажбурмиз. Қайсидир йили қишда бир келинни дард тутганда енгил машина юролмай бечора аёлнинг йўлда нобуд бўлганлигини одамларимиз ҳалигача афсус билан эслашади.

Қишлоқ болалари таълим-тарбия олаётган Собир Абдулла номли 64-ўрта мактабда бўлганимизда на полию, на шифти бор каталакдай синфхоналарни, парта йўқлигидан темир столларда ва темир стулларда кўрпача тўшаб дарс тинглаётган ўқувчиларни кўриб, рости гап, таажжубдан ёқа ушладик. 10-синфда 3 та ўқувчига Ўзбекистон тарихидан сабоқ бераётган Жўрабек Жабборов, 8-синфда 12 та ўқувчига математика фанидан дарс ўтаётган Бекбўта Болибековларнинг эътироф этишича, мактабда биология, давлат ҳуқуқи асослари, геометрия, чет тили дарсликлари деярли йўқ. Бундай шароитда иш юритилаётган даргоҳда таълим стандартлари тўғрисида гапиришнинг ўзи ортиқча.

■ **Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

# КЛИНТОН РОССИЯГА ТАШРИФ БУЮРАДИ

АҚШ Президенти Билл Клинтон 3-5 июнь кунлари Россияга ташриф буюради. Унга АҚШ маъмуриятининг кўплаб юқори мартабали вакиллари, жумладан, давлат котиби Мадлен Олбрайт, президентнинг миллий хавфсизлик масалалари бўйича ёрдамчиси Сэмюел Бергер, энергетика вазири Билл Ричардсон ҳамроҳлик қилади. Умуман, Оқ уй раҳбари билан бирга 1200 киши Москвага келади. Бўлажак учрашувларни америкалик икки юзга яқин журналист ёритади.

# КУН КЕЧИРИШ УЧУН 1 АҚШ ДОЛЛАРИ

Осиёда қарийб 278 миллион аҳоли ҳаёт кечириш учун кунига 1 АҚШ доллари сарфлайди. 892 миллион кишининг кунлик харажати эса икки доллардан ошмайди. Жаҳон банкининг Токиода чоп этилган ҳисоботида шундай рақамлар келтирилган. Ҳисоботда айтилишича, Шарқий Осиё мамлакатлари 1997 йилги иқтисодий инқироз асоратларини енгиб ўтди ва минтақа айни пайтда энг тез ривожланаётган бозорга айланди.



Жанубий корея. Томорқадаги ташвишлар

# ИШБИЛАРМОНЛАРГА МУКОФОТ

Давосдаги Жаҳон иқтисодий форуми асосчиси ва раҳбари Клаус Шваб жамият равнақи учун улкан ҳисса қўшаётган ишбилармонлар учун ҳар қайсиси бир миллион АҚШ долларига тенг 4-5 мукофот таъсис этиш ниятида эканини маълум қилди. Мазкур мукофотлар учун маблағ К.Шваб томонидан икки йил муқаддам ташкил этилган жамғарма ҳисобидан олинади.

# ҚАСДДАН ҚИЛИНГАН ПОРТЛАШ

Лондоннинг машҳур Ҳаммерсмит кўприги яқинида жойлашган трансформатор станциясининг ташландиқ биносида кучли портлаш юз берди. Хабарларга қараганда, портлаш натижасида яқин атрофдаги иншоотларга шикаст етган.

Маҳаллий полиция вакилларининг тахминича, портлаш номаълум шахслар томонидан атайлаб амалга оширилган. Айни пайтда полиция жиноятчиларни қидирмоқда.

# ҲОСИЛ ЙИҒИБ ОЛИНДИ

Кубада шакарқамиш ҳосилини йиғиб олиш мавсуми якунланди. Мамлакат шакар саноати вазири Улисес Росалеснинг айтишича, жорий мавсумда 4,05 миллион тонна шакар хомашёси етиштирилган. Бу ўтган йилги кўрсаткичга нисбатан етти фоиз кўп.

# КАШАНДАЛАР САФИ КЕНГАЙМОҚДА

Статистик маълумотларга қараганда, Ҳиндистонда ҳар йили 600 минг фуқаро кашандаликдан вафот этади. Айни пайтда мамлакатда 240 миллион киши чекади. Улар сафи ёшлар ҳисобига тўхтовсиз кенгайиб боряпти.

# 6 БАЛЛИ ЗИЛЗИЛА

Байкал кўли атрофидаги ҳудудда кучи Рихтер ўлчови бўйича олти баллга етадиган зилзила рўй берди. Иркутскда силкиниш кучи 3-4 баллни ташкил этди. Хабарларга қараганда, зилзила маркази Байкал кўлининг жанубий қисмида жойлашган бўлиб, ўтган йили ҳам бу ерда кўплаб ерости силкинишлари кузатилган.

# НОМЗОД ФИКРИ

АҚШ президентлигига номзоди кўрсатилган Техас штати губернатори Жорж Буш мамлакатнинг ҳарбий соҳадаги устунлигини таъминлаш учун қуролларнинг бутунлай янги турларини яратиш зарурлигини таъкидлади. У Нью-Мексика штатида жойлашган икки ҳарбий лабораторияга ташриф буюриб, АҚШ ҳарбийлари ҳозиргидек саноат асрида эмас, балки ахборот технологиялари асрида жанг олиб боришга тайёр бўлиши кераклигини айтди.

СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН

# ЙОД – ҲАЁТ ШАМЧИРОҒИ

***«Ўзбекистон овози»нинг шу йил 8 апрель сонида эълон қилинган «Соя сигир»лари Тошкентда» мақоласи кўпгина газетхонларда қизиқиш уйғотди. Айниқса, «ПГС» фирмасида ишлаб чиқарилган намлагич-ингалятор ёрдамида йод буғлари билан қалқонсимон без касалликларини даволаш имкониятлари борлиги ҳақидаги хушхабар одамларни қувонтирди. Бундай тажриба Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Эндокринология институтида қўлланилиб, ижобий натижа бераётир. Газетхонлар шу хақда тўлиқроқ маълумот берилишини сўраб, таҳририятимизга мактублар йўллашмоқда. Шу муносабат билан мухбиримиз Эндокринология институти директори, тиббиёт фанлари доктори, профессор Саид Исмоиловга мурожаат қилди.***

— Инсон танасида йод етишмаслигининг сабаби шуки, бу кўпгина оғир касалликларнинг оқибатидир. Қалқонсимон безнинг катталашиб кетиши, хотиранинг заифлашуви, ақлий қобилиятнинг пасайиши, жинсий заифликлар ва бошқа касалликлар шулар жумласидандир. Бу нақадар жиддий ва улкан муаммо эканлиги тушунарли бўлиши учун айрим маълумотларни айтиб ўтаман. ЮНИСЕФ текширувларига кўра Ер юзи аҳолисининг 1,5 миллиарддан зиёдроғи йод етишмаслигидан азоб чекмоқда. Бунинг натижасида 740 миллион кишининг қалқонсимон бези катталашиб кетган, 45 миллион кишида эса ақлий заифлик ҳоллари сезилмоқда.

Шу боис бундай касалликларни даволаш ва унинг олдини олиш учун шифокорлар ҳар бир имкониятдан самарали фойдаланишга ҳаракат қилмоқдалар. Масалан, Ватанимизда ишлаб чиқарилган намлагич-ингалятор бизнинг йод етишмовчилигига қарши курашдаги имкониятларимизни анча кенгайтиради. «ПГС» фирмаси институтимизга ана шундай қурилмадан иккитасини ҳомийлик асосларида етказиб берди. Биз эса ўз навбатида беморларимизни даволаш учун махсус хона ташкил этдик.

**— Ўзи инсонга қанча йод зарур?**

— Илмий асосланган тавсияларга кўра, катта ёшлилар ва ўсмирлар учун 100-150 микрограмм, ҳомиладор аёллар ва эмизикли аёллар учун кунига 200 микрограмм, 6 ойликдан 10 ёшгача бўлган болалар учун 50-120 микрограмм, чақалоқликдан то 6 ойликкача 40 микрограмм йод истеъмол қилиниши керак. Йод етишмаслигининг оқибати эса хунук. Масалан, ҳомиладор аёллар бола ташлаб қўйиши, ҳатто ўлик чақалоқ туғиши ҳам мумкин. Чақалоқлар ғилай, кар, соқов, ақлан заиф туғилади. Агар одатдаги соғлом болаларда йод етишмай қолса, ақлий ва жисмоний жиҳатдан ўсиши тўхтаб қолади. Катта ёшли кишиларда эса, ақлий фаолият пасайиб, оғир оқибатларга олиб келувчи бўқоқ касали ҳам пайдо бўлади.

**— Инсон қайси йўллар билан ўзи учун зарур бўлган йодни олиши мумкин? Ўзбекистонда бу борадаги ҳозирги аҳвол қандай?**

— Инсон танасига йод асосан сув ва озиқ-овқат орқали кириб боради. Агар йод етишмай қолса, бу камчиликни сунъий усулда тўлдириш зарур. Инсон танасига йод етказиб беришнинг энг қулай йўли оддий ош тузи истеъмол қилишдир. Инсон бир кеча-кундузда ўртача 10 грамм ош тузи истеъмол қилади. Бутун дунёда тузни йодлаштириш анъанага айланган. Масалан, МДҲ давлатларида анъанавий равишда бир тонна ош тузига 25 грамм калий йодид қўшилади.

Бироқ, Ўзбекистон вилоятларида кейинги беш йил давомида сотилган туз намуналари текшириб кўрилганда шу нарса маълум бўлдики, унинг 60 фоизи Давлат стандарти талабларига мос эмас. Нима учун? Маълум бўлдики, кўпгина туз конларида ишлаб чиқариш харажатларини «тежаб» қолиш мақсадида стандартга риоя этишмаган. Демак, қутида ёзилган «Йодланган туз» деган гапга ҳар доим ҳам ишониб бўлмас экан. Шуни айтиб ўтиш керакки, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ЮНИСЕФ болалар жамғармаси Ўзбекистонга 15 тонна йодид калийдан кўра афзалроқ бўлган йодад калий етказиб берди. Тузни йодлаштириш учун 5та қурилмани ҳам беғараз тақдим этди.

Кўпгина ривожланган мамлакатларда тузни йодлаштиришга мажбур этадиган қатъий қонунлар ишлаб чиқишган. Бу қонунни бузганлар оғир жазога тортиладилар. Айтмоқчи, бизда ҳам шундай қонун тайёрланмоқда. Ўйлаймизки, бу қонун қабул қилингач, мана шу муҳим ишда тартиб ўрнатилади.

Шундай қилиб, йод етишмаслиги муаммосини ҳал этиш кўриниб турибдики, наинки тиббиёт жиҳатидан, балки ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан катта аҳамиятга эга. Чунки бу ерда гап мамлакатимизнинг интеллектуал қудратини асраш ва кучайтириш билан боғлиқ масалалар ҳақида кетаяпти. Жаҳоннинг турли мамлакатларида ўтказилган тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатдики, йод етишмаётган минтақаларда аҳолининг ақлий ривожланиши ўртача кўрсаткичлари 15-20 фоизга пастроқ.

**— Ҳозирги замон тиббиёт фани йод етишмаслиги муаммосини ҳал этиш учун қандай тадбирларни амалга оширмоқда?**

— Йод етишмовчилигининг олдини олиш борасидаги анъанавий усуллардан ташқари бизнинг эндокринологларимиз тиббиёт фанининг замонавий ютуқларини кенгроқ қўллашга ҳаракат қилишаётир. Масалан, Сурхондарё вилоятидаги ҳомиладор аёллар учун ЮНИСЕФ орқали келтирилган 58 минг капсула янги дори (йодлаштирилган ёғ) етказиб берилди. Бу дори узоқ муддат, яъни бир ярим йил давомида таъсир кўрсатади.

Айни пайтда институтимиз олимлари «ПГС» фирмасининг юқорида эслатиб ўтилган намлагич-ингаляторидан фойдаланиб, даволаш ва касалликнинг олдини олишда йод буғларидан фойдаланиш услубини ишлаб чиқишди. Дастлабки муолажаларнинг ўзиёқ қувончли натижаларни берди. Ушбу қурилма инсон танаси йодни тезроқ ва самарали қабул қилиб олишига ёрдам беради.

— Ҳозирги пайтда янги қурилма ёрдамидаги тажрибаларимизда 122 бемор иштирок этмоқда, — дейди Эндокринология институти докторанти Сирожиддин Расулов. — Мен бевосита намлагич-ингаляторнинг имкониятларини ўрганмоқдаман. Биз синовдан ўтказган кишиларнинг барчаси йод етишмовчилиги касалидан даволанганлари маълум бўлди. Бу қурилманинг имкониятлари катта. Ундан масалан, болалар боғчаларида, мактаб, санаторий ва бошқа муассасаларда ҳавони йодлаштиришда фойдаланиш мумкин.

— Намлагич-ингаляторлар ишлаб чиқаришни бошлар эканмиз, биз ўта иссиқ ва қуруқ иқлим шароитида хоналарда қулай вазият яратиш ҳақида ўйладик, — деди «ПГС» фирмаси директори Полянте Свешников. — Лекин соғлиқни сақлашнинг турли соҳаларида ундан фойдаланиш мумкинлиги биз учун кутилмаган ҳол бўлди. Бинобарин, айни пайтда ушбу қурилмадан Фтизиатрия ва пульмонология илмий-тадқиқот институтида сурункали бронхиал астмани даволашда фойдаланилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Кардиология илмий-тадқиқот институтида юрак-қон томир хасталикларини, республика онкология марказида эса нафас йўллари касалликларини даволашда ишлатилмоқда. Фирма тиббиёт муассасаларига ёрдам беришни ўзи учун шараф, деб билади. Шу боис ҳомийлик асосларида уларга қурилмалар етказиб бериб, техник хизмат кўрсатишни ҳам ўз зиммасига олади. Беморлар ўз саломатликларини тиклаб, соғ-саломат ва шодон яшасалар, биз ўзимизни бахтиёр ҳис қиламиз.

■ **Рафаэль ЗАГРАТДИНОВ**

ТАДБИР

# ҚУВОНЧ

Ўзбекистон ХДП Сергели туман кенгаши ташкилотчилигида Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишланган байрам тадбири ногирон болалар ва ўсмирларга ёрдам бериш «Умр» жамоатчилик марказида бўлиб ўтди. Байрамда дастурхон ёзилиб, ош тортилди. Ёш таэквандочилар, «Ўзбек рақси» гуруҳи байрам қатнашчиларига завқ улашишди. Марказ ҳомийлари ўз саҳийликларини яна бир бора кўрсатиб даволанувчиларга совға улашишди.



Тут пишиғи

